

ШИРИН ҚАЛАМПИРНИНГ (БУЛҒОР ҚАЛАМПИР)ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИГИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Расулов Улуғбек Шарибоевич
Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялари институти
катта ўқитувчиси

Аннотация. Бизга маълумки ўсимлик асосан замбуруғли ва бактериял касалликлар билан касалланиш хусусиятига эга бўлиб, ўсимлик ниҳолларини етиштириш давомида иссиқхона шароитида асосан тупрок замбуруғлари илдиз чириш касалликларини кўзгатса, ўсимликларнинг вегетация ва сақлаш даврида доғланиш ва чириш касалликлари кузатилиши мумкин. Ушбу касалликларни олдини олиш чораларини қўллашда уруф дорилагичларни ўрни катта қисобланади. Олинган маълумотлардан кўра ҳар қандай уруғни тупрокқа экишдан олдин камида 21 соат давомида фунгицид билан ишлов беришни тақозо қилади.

Калит сўзлар: ширин қалампир, илдиз чириш, фузариоз, замбуруғ, витовакс, фундазол.

Аннотация. Насколько нам известно, растение в основном подвержено грибковым и бактериальным заболеваниям, в то время как в тепличных условиях при выращивании саженцев растения в основном вызывают заболевания корневой гнилью почвенные грибы, а во время вегетации и хранения растений могут наблюдаться болезни пятнистости и гнили. Роль семенных пестицидов в применении мер по предотвращению этих болезней значительна. Согласно полученным данным, любой посевной материал требует обработки фунгицидом не менее 21 часа перед посевом в почву.

Ключевые слова: сладкий перец, корневая гниль, фузариоз, гриб, витовакс, фундазол.

Annotation. As far as we know, the plant is mainly susceptible to fungal and bacterial diseases, while in greenhouse conditions when growing seedlings, plants mainly cause diseases of root rot, soil fungi, and during the growing season

and storage of plants, diseases of spot and rot can be observed. The role of seed pesticides in the application of measures to prevent these diseases is significant. According to the data obtained, any seed requires treatment with a fungicide for at least 21 hours before sowing into the soil.

Key words: sweet pepper, root rot, fusarium, mushroom, vitovax, foundazol.

Сабзавотчилик дунё дехдончилигида энг қадимий асосий ва етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Сабзи, саримсок, лавлаги 2 минг; карам, бодринг, пиёз, кампир кабилар 4 минг йилдан бери экилади. Марказий Осиёда, яъни бизда қовун эрамиздан илгари ҳам етиштирилган.

Ҳозирги пайтда сабзавот экинлари дунёнинг барча мамлакатларида ўстирилади. Сабзавотчилик — кишлок хужалигининг муҳим соҳдси булиш билан бирга, фан сифатида унинг мақсади — сабзавот экинлари биологиясини ўрганиш ва шу асосда маҳсулот бирлигига кам меҳнат, маблағ сарфлаб, юқори сифатли ҳамда арзон маҳсулот етиштириш технологиясининг назарий асослари ва амалий усул-ларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистонда етиштирилган ширин қалампир техник пишган меваси 54-118 мг.%, қизарган, яъни физиологик пишган мевасида эса 368-535 мг.% витамин С бўлади (Н.Н. Балашев, 1976).

Қалампирнинг ватани Жанубий Америка. Шу ердан у Европага, Африка ва Жанубий Осиёга тарқалган. Ширин қалампир асосан Украинада ва Россиянинг жанубида, Ўрта Осиё, шунингдек Марказий Европа мамлакатларида ва қисман Америкада экилади. Аччиқ қалампир Жанубий ва Шарқий Жанубий Осиё, Африка, Жанубий Америка, Марказий ва жанубий Европа мамлакатларининг ҳаммасида ўстирилади.

Ҳозирги вақтда қалампир дунёда 1,7 млн. гектар майдонда экилиб, 25 млн. тонна ялпи ҳосил олинади. Асосан Хитой, Мексика, Туркия, АҚШ, Испанияда 70 % дан зиёд ҳосил етиштирилади.

Итузумдошлар оиласига мансуб бўлган ўсимликлардан помидор, бақлажон ва болгар қалампири каби ўсимликлар ҳисобланиб улар ўсув даврида ҳар хил касалликлар билан касалланади. Касалликларни асосий кўзгатувчилари ҳар хил бактерия ва замбуруғлар ҳисобланади. Булардан ташқари вирус касалликлари ҳам кенг тарқалган бўлиб қишлоқ хўжалигида катта иқтисодий зарар етказди. Натижада ҳосилдорлик кескин камайиб, олинадиган маҳсулотнинг сифати пасаяди.

Ширин қалампир экинларида касалликларни асосан замбуруғлар, бактериялар ва вируслар кўзгатади. Қалампир экинларига асосан қора илдиз чириш, фузариоз, фитофтороз, кладоспориоз, кулранг ва оқ чириш, қора бактериал доғланиш ва тамаки мозаикаси касалликлари зарар етказди. Қора илдиз чириши касаллиги. Бу касаллик помидор экинларидаги сингари ширин қалампир поясининг пастки қисмини зарарлайди. Касалланган жойи қораяди, чирийди ва қуриб қолади. Кўчат қалин бўлганда, совуқ иқлим ва захлатиб суғориш ушбу касалликнинг ривожланишига қулай шароит яратади. Фузариоз касаллиги. Ширин қалампирнинг пастки барглари, кўпинча бир томонидан сарғайиши ва ўсимликлар сўлгин бўлиб қолиши кузатилади. Сўлган барглари қурийдилар, бироқ тушмасдан, новдаларда осилиб қолади. Новдалар ҳам ўсимликнинг бир томонида сўлиши мумкин, кейинчалик бутун ўсимлик сўлийди.

Қалампирнинг фузариоз сўлиш касаллиги кўпчилик мамлакатларда кузатилган. Бу касаллик айниқса иссиқ иқлимли мамлакатларда катта зарар келтиради. Лекин юмшоқ иқлимли мамлакатларда унинг зарари иссиқхоналарда сезиларли даражада бўлади. Фузариоз сўлиш касаллиги кузатилган ҳудудларда унинг тобора кенгроқ тарқалиши кузатилмоқда.

Қалампирнинг фузариоз сўлиш касаллиги биринчи бор АҚШ нинг Луизнана штатида 1913 йил топилган бўлиб, кейинги йиллар давомида Американинг жанубий штатларида бу касаллик таъсирида қалампир ҳосилдорлиги 25% га камайиб кетган. Л.И. Райло (1955) ўзининг

Фузариум авлодига бағишланган монографиясида помидор ва калампирнинг сўлиш касаллиги АҚШ нинг жанубий штатларида, Жанубий Европа, Жанубий Африкада, Австралияда, Осиёда собик Иттифокда кенг тарқалганлигини таъкидлайди. ***Вертициллиум албо-атрум.*** Гифалари рангсиз ёки оч рангли, эни 2-4 мкм. Конидиофоралар гуж шохча (мутовка) шакли фиалидалар ҳосил қилади, рангсиз, аммо биттадан учтагача базал хужайралари қораювчи, узунлиги 100-300 мкм, остки қисмининг эни 4-8 мкм, тепа қисмида 3-4 мкм. Стеригмалар узунлиги 24-30 мкм, эни остида 3-4 мкм, тепасида 1 мкм, энг тепадаги стеригманинг узунлиги 30-46 мкм. Конидиялар 1, кам ҳолларда 2 хужайрали, рангсиз, эллипсоид шакли, ўлчами 6-12x2,5-3 мкм, стеригмаларда биттадан ҳосил бўлиб, шилимшиқ модда ёрдамида бириккан думалоқ бошчалар пайдо қилади; ўлчами 3-6 мкм бўлган майда конидиялар ҳам ҳосил қилади. Тиним давридаги мицелий олдин рангсиз, сўнгра тўқ-қўнғир тусли, вақт ўтиши билан қобиғи қалинлашади.

Қарши кураш чоралардан алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суғормаслик. Биологик воситалардан Триходермин препаратини 1 г/кг уруғга қўллаш яхши натижа беради, уруғларини экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим – 0,4 л/т, 31,2% Селес Топ – 0,4-0,6 л/т, 50% Фундозол – 2,0 кг/т билан дорилаб экиш. Ўсимликларни ривожланиш даврида 20% Квадрис – 0,6 л/га, 69% Акробат МЦ – 2,0 кг/га, 68% Ридамил Голд – 2,5 кг/га, мис купороси – 6,0-8,0 кг/га, 72% Превикур – 1,5 л/га, 45% Проксанил – 2,0 л/га, Курзат Р – 2,5 кг/га фунгицидларни биронтаси билан алмашлаб пуркаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сагдуллаев А.У., Рахматов А.А., Ташпулатов У.Б. ва Содиқова С.З. Аччиқ калампирни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича тавсиянома. – Тошкент: 2018. б-24.
2. Ҳасанов Б.О., Очилов Р.О., Гулмуродов Р.А. Сабзаёт, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. - Тошкент: 2009.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Тошкент. 2020. 6-51-52.
- 5.100 китоб тўплами Ширин қалампир етиштириш 23-китоб Нашриёт уйи “Тасвир” Тошкент – 2021
5. Dilshodkizi, A. G., Kamildjanovna, M. M., & Kamoldinovna, D. D. (2020, August). RESEARCH OF THE HAZARDOUS OF THE MELPHILE APHID ON SOY IN THE CONDITIONS OF THE ANDIJAN REGION. In *Archive of Conferences* (Vol. 3, No. 3, pp. 41-45).
6. Kamiljanovna, S. N., Kamilov, S. G., & Kamiljanovna, M. M. (2020). FUSARIUM OXYSPORUM AND DEALING WITH THEM. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 3658-3662. *Agriculture*, (2-2).
7. Сиддикова, Н. К., Мирзаитова, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. (2019). Грибные болезни хвойных. *Вестник науки*, 1(12), 257-259.
8. Абдуллаева, Г. Д. К., Мирзаитова, М. К., & Сиддикова, Н. К. (2019). Вредители шиповника. *Вестник науки и образования*, (24-3 (78)).
9. Сиддикова, Н. К., Нуралиев, Х. Х., & Абдуллаева, Г. Д. (2020). ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С ЛЕСНЫМИ БОЛЕЗНЯМИ. *Life Sciences and Agriculture*, (2-2).
10. Сиддикова, Н. К., Мамажоновна, О. С., & Кузибоев, Ш. (2017). Эволюция паразитизма. In *Результаты фундаментальных и прикладных исследований в области естественных и технических наук* (pp. 84-87).
11. Камилов, Ш. Г., & Сиддикова, Н. К. (2020). Защита сеянцев хвойных культур от корневой гнили. *Защита и карантин растений*, (5), 17-18.
12. Сиддикова, Н. К., & Тошмухаммедова, Г. (2017). ПРИМЕНЕНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ЗАГУЩЕННЫХ ПОСЕВАХ ХЛОПЧАТНИКА НА ЕСТЕСТВЕННОМ ЗАРАЖЕННОМ ПОЛЕ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 722-723).
17. Сиддикова, Н. К., & Жаханалиев, М. (2017). ВЫРАЩИВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ ТОМАТОВ (ПОМИДОР). In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 720-723).